

АБДУЛЛАЕВ Абдулхай Болтабоевич,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доценти, филология фанлари номзоди

ХАННА МИНАНИНГ СУРИЯ АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ ХАННЫ МИНА В РАЗВИТИИ СИРИЙСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

THE ROLE OF HANNAH MINA IN THE DEVELOPMENT OF SYRIAN LITERATURE

Аннотация. Мақолада Суриянинг энг йирик ёзувчиси Ханна Минанинг ижодида умуман араб дунёсига хос адабий жараённинг муҳим типологик хусусиятлари чуқур ва ёрқин жиҳатлари билан намоён бўлганлигини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Шунингдек, Ханна Минанинг Сурия адабиёти, хусусан, Сурия романнавислиги тараққиётидаги муҳим ўрни ва ролини очиб бериш орқали Сурия романнавислигининг ривожланиш хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади.

Калим сўзлар: Сурия адабиёти, роман, Ханна Мина, араб романчилиги, реализм, наср, жанрлар, сюжет, араб маданияти, адабий муҳит.

Аннотация. В статье предпринята попытка показать, что в творчестве крупнейшего сирийского писателя Ханны Миной проявляются глубокие и яркие аспекты важных типологических особенностей литературного процесса, присущих арабскому миру в целом. Также путем выявления важного места и роли Ханны Миной в развитии сирийской литературы, в частности сирийских романистов, представлена информация об особенностях развития сирийских романистов.

Ключевые слова: сирийская литература, роман, Ханна Мина, арабский роман, реализм, проза, персонажи, сюжет, арабская культура, литературная среда.

Annotation. The article attempts to show that in the work of the greatest Syrian writer Hannah Mina, deep and vivid aspects of the important typological features of the literary process inherent in the Arab world as a whole are manifested. Also, by identifying the important place and role of Hannah Mina in the

development of Syriac literature, in particular Syriac novelists, information is provided on the features of the development of Syrian novelists.

Keywords: Syriac literature, novel, Hanna Mina, Arabic novel, realism, prose, characters, plot, Arab culture, literary environment.

КИРИШ

Сурия адабиётида роман жанрининг янги эпос жанри сифатида юзага келиши XX аср бошларига тегишли. XX аср Сурия адабиётининг ўзига хос хусусияти шунда намоён бўладики, унда ижтимоий кучларнинг қайта гуруҳлаштирилиши, мавжуд феодал-мустанлак тизимига танқидий муносабатнинг кучайиши, ҳаётнинг реал жиҳати ва ўткир ижтимоий муаммолари билан юзага келди. Аммо шу муносабат билан бадиий насрнинг жадал ривожланаётганига қарамай, маърифатпарварлик реализми адабиётида журналларда чоп этилган публицистик наср, мактублар, саёҳатлардан парчалар, ҳар турли кундалик тасвирлар катта аҳамият касб эта бошлади.

Адабиётдаги эволюция, хусусан XX аср араб адабиётидаги эволюцияни тўла ишонч билан эволюция асри деб ҳисоблаш мумкин. Бу, биринчи навбатда, эстетик идрок ва тафаккур қилиш тамойилларини янгилаш, типиклаштириш усулларини ва умуман адабиётнинг структурасини, миллий анъанани ўзгартиришдир [2:25].

XX аср араб мамлакатлари ёзувчиларининг асарларига диққат билан назар ташланса, аввало, уларнинг мавзуси, кўтарилган муаммолар ва муаллифларнинг бадиий услуби қанчалик хилма-хил эканлигини кўриш мумкин. Араб танқидчиларининг фикрича, адабиёт, айниқса, роман жанрининг ижтимоий аҳамияти бекиёс даражада ўсди, китобхонларнинг ро- манга бўлган қизиқиши ортди. Араблар эътироф этган, умумараб минтақасида тан олинган бутун бир адиблар авлоди юзага келади. Булар сирасига мисрлик Жамол ал-Ғитоний, Юсуф ал-Қуайд, суриялик Ханна Мина, Хоний ар-Роҳиб, фаластинлик Ҳасан Канафоний, Эмил Ҳабибий, ироқлик Ғойиб Туама Фармон, Абдурахмон Мажид ар-Рубоий, суданлик Солих ат-Тойиб, жазоирлик Ваттор ат-Тоҳир ва Абдулҳамид ибн Ҳадук ва бошқаларни киритиш мумкин. Санаб ўтилган ёзувчилардан ҳар бирининг

нафақат ўз мавзуси, балки ўзига хос ёзув услуби, ўз дунёкараши, нуқтаи назари бор. Бу ёзувчиларнинг ҳар бири ўзига хос, фарқли. Уларнинг умумий, ўхшаш жиҳатлари борми? деган савол туғилади. Бу уларнинг барчаси учун умумий бўлган, услуб бирлиги эмас, албатта, ёзиш услуби ҳам эмас, юқорида айтиб ўтилганидек, ўтган аср одамлари ҳаётининг энг муҳим томонларига мурожаат қилишларида, ва шу билан бирга, муаллифлар рия қиладиган ахлоқий ва эстетик кадриятларнинг барқарор тизимида намоён бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Романнавис адиб, жамоат арбоби Ҳанна Минанинг исми Нажиб Маҳфуз, Юсуф Идрис, Ҳусайн Муррув ва бошқаларнинг номлари билан бир қаторда араб дунёсида яхши маълум ва машҳурдир. Араб китобхони учун Сурия шаҳарлари – Латакия, Дамашқ, Ҳалаб аҳолиси билан танишиш кўп жиҳатдан Ҳанна Минанинг китоблари орқали юз берди, десак муболаға бўлмайди. Бундай ҳолат, шубҳасиз, ёзувчининг, танқиднинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Танқид кенг омма эътиборига ҳавола этилган муаллифнинг китобларида ҳақиқат нақадар чуқур ёритилганлигини аниқлашга интилади [1].

Ҳанна Мина 1924 йилда Суриянинг Латакия деган кичик бандаргоҳ, шаҳрида камбағал бир оилада туғилган. Отасини эрта йўқотган Ҳанна катта оилани боқишга мажбур бўлди. Чунки у оилада ягона эркак эди. Унинг дастлаб хизматкор, кейинчалик, қаҳва сотувчи, сартарош, журналист ва таржимон бўлиб ишлашига тўғри келди. У журналистик фаолиятини «Ал-Инша» газетаси муҳаррири сифатида бошлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида, албатта, Ҳанна Мина ҳақидаги танқидий адабиётларда ёзувчи ижоди диалектикаси ҳисобга олинган кўплаб объектив мулоҳазалар берилган. Улар Ҳанна Мина фаолиятида мавжуд бўлган ҳақиқий қарама-қаршиликлардан юзага келган. Бундан таишари, улар ушбу қарама-қаршиликларнинг табиати, бу санъаткорнинг дунёсини белгиловчи мураккаб муносабатларни соддалаштирадilar.

Ҳанна Минанинг ижоди, унинг кучли ва заиф томонларини ёзувчининг бадиий шахсиятининг табиати ва унинг белгиловчи (асосий) хусусиятларини аниқламасдан туриб англаб бўлмайди.

Ҳанна Минанинг ижтимоий романлари характери ушбу адиб ҳақида баҳслар марказида туради. Бундай баҳс-мунозаралар сирасида у кескин иш тутишга мажбур бўлади.

Ҳанна Мина ёзувчи бўлишдан олдин турли хил оддий ишларни бажарган. Минанинг таъкидлашича, унинг энг муҳим тажрибаси денгиз портида юк ташувчилик бўлган, бу эса денгизчи сифатида қисқа муддатли карьерага олиб келган (унда бир умрлик денгизга иштиёқни уйғотган). У велосипед таъмирловчи, бадавлат оилада энага, дорихонада, кейин сартарошхонада ҳам ишлаган. Кейинчалик бир мунча вақт мухбир бўлиб хизмат қилди. Давлат хизматчиси лавозимини эгаллашдан олдин араб тилида радиодрамалар ёзди ва ниҳоят бадиий адабиётга мурожаат қилди.

Гарчи у Сурияда кўним топган ва умрининг кўп қисмини шу ерда ўтказган бўлса-да, шаклланган йилларида муҳожирликнинг оғир давларини бошидан кечирган. 1941-1951 йиллар оралиғидаги ўн йил асосан ўз ватанидан ташқарида ўтказилди ва унинг ижтимоий шароитлари ва сиёсий қарашлари туфайли мажбурий сургун даври ҳисобланади. Бу даврда у Байрутда (1946), Дамашқда (1947), Европанинг бир қисмида ва 5 йил Хитойда яшаган.

Минанинг сиёсий қарашлари унинг ҳаётининг илк йилларида шаклланган, чунки у 1918 йилда Биринчи жаҳон уруши тугаганидан кейин Сурия географиясининг қайта конфигурацияси оқибатларини бошдан кечирган эди. Биринчи жаҳон уруши тугаши билан аввал назорат қилинган ҳудуд устидан ҳарбий назорат даври келди [3]. Сурияни ўз ичига олган Усмонли империяси томонидан бу ҳарбий назорат 1923 йилда Миллатлар Лигаси томонидан мандатга расмийлаштирилди. Мина Франция мандати даврида (1924 йилда) туғилган. У 10 ёшида француз босқинига қарши кураш олиб борган қаршилик ҳаракатига қўшилди. Миллий сиёсатга бу эрта аралашш, сўл билан боғлиқ бўлган жиддийроқ сиёсий ҳаракатларга олиб келди. 1951 йилда Сурия Ёзувчилар уюшмасининг таъсисчи аъзоси эди. Иттифоқ ўзининг биринчи Конгрессини 1954 йилда ўтказди ва унга Сурия ва турли араб давлатларидан муаллифлар жалб қилинди.

Мина ёзувчилик фаолиятида ўзининг шахсий тажрибасига асосланди. У 8 та романини денгиз ва Латакиядаги денгизчилар ҳаётига бағишлади. У йирик шаҳарлар

чеккасида яшовчи сурияликларнинг аксарияти ҳаётини тавсифловчи қашшоқлик ва маҳрумлик ҳақида ёзади. У, шунингдек, Сурия сиёсатининг мураккабликлари ҳақида ёзади ва ҳукумат сиёсатининг оддий фуқаролар учун оқибатларини тасвирлайди [4].

Мина Дамашқда яшаб, 5 нафар фарзанднинг отаси бўлган. Унинг биринчи ўғли Селим 1950-йилларда оила ўта қашшоқликни бошдан кечираётганда вафот этди. Унинг кенжа ўғли Саад актёр ва отасининг ҳикоялари асосида драмаларда рол ўйнаган. Минонинг 3 нафар қизи бор: Салва (шифокор), Савсан (анестезиолог), Амал (қурилиш муҳандиси).

Ҳанна Мина ўзининг адабий фаолиятини 1940-йилларда Сурия газеталарида чоп этган қисқа ҳикоялар ёзишдан бошлаган. 1954 йилда у ўзининг биринчи романи «Мовий чироқлар»ни ёзди ва бундан кейин у 40 дан ортиқ романлар билан давом этди [6].

Ҳанна Минанинг номи XX аср ўрталари араб адабиётида ижод қилган машҳур адиблар сирасига киради. Бунинг ташқи аломатлари куйидагилардир: адиб қаламига мансуб ҳар бир янги асар – бестселлер ҳисобланади ва унинг жамоатчилик ёки публицистика соҳасидаги ҳар бир чиқиши бутун араб дунёсида эътироф этилади ва севиб ўқилади, танқидчилар адибни араб дунёсининг реалистик услуб позициясини эгаллаган энг йирик ёзувчилардан бири деб атайдилар [7:37].

Аммо бу оммавий шуҳрат, жамоат арбобиغا хос шон-шарафдан ташқари бу инсоннинг бошқа фазилатлари ҳам бор эди: адибнинг нафақат ўз шеърӣ, сўз кўллаш маҳорати, қобилятида, балки кескин ҳиссиёти, сезгирлиги, замон руҳига, унинг аниқ-равшан кўриниб турган ва ҳатто яширин жиҳатларини илғай олиш ва ифода этишдаги ўзига хос бадиӣ истеъдоди ҳам намоён бўлади. Шу маънода, Ҳанна Минанинг ёзувчилик тақдири унинг замондошлари саналган араб ёзувчилари – Юсуф Идрис, Абдурахмон аш-Шарқовӣ, Саид Ҳавронӣ, Маҳмуд Амин ал-Алим ва Ҳусайн Мурувва сингари адибларнинг маънавий биографияларини ўзида чуқур мужассам этган. Унинг энг машҳур романи «Елкан ва бўрон» бўлиб, унинг нашр этилгандан кейин қарийб ярим аср вақт ўтган бўлса-да ўқувчилар эътиборида бўлиб келмоқда.

XX аср 50-80-йилларда Сурияда ҳаёт чоғида Ҳанна Мина классикка айланди. Ҳозирга қадар унинг ўрнини босадиган муносиб

адиб кўзга кўринмаган. Назаримизда, Ҳанна Минанинг тажрибаси адабиёт хотирасида «ўрнашиб», бадиӣ тафаккур ҳаракатининг зарур қисми бўлиб қолади. Бўлажак «чўққи»лар шаклланишидан олдин ички, унчалик сезилмайдиган адабий асарларнинг тўпланиши даври келади. Адиб Исҳоқ, ал-Кавокибий, энди, эҳтимол, фақат мутахассисларни қизиқтиради, аммо уларнинг ижоди Нажиб Маҳфузнинг келишига замин тайёрлади [8:80].

Ҳанна Мина ўз қаҳрамонларининг тақдири воситасида ижтимоӣ зиддиятларни бадиӣ акс эттиришга муваффақ бўлган. Бу эса романга ҳаётӣлик бағишлайди. Араб халқ романлари анъаналари билан яхши таниш бўлган Ҳанна Мина халқ бахти учун курашган қаҳрамонларининг айрим жасоратларини тасвирлайди. Аммо эпос қаҳрамонининг ғайритабиӣ имкониятларини алоҳида ажратиб турувчи анъанадан фарқли ўлароқ, Ҳанна Мина ўз ўқувчиларини шундай хулосага келтиради, адолатли ижтимоӣ тузумни бир киши, ҳатто у энг буюк қаҳрамон бўлса ҳам, бир унинг саъй-ҳаракатлари билан барпо этиб бўлмайди, бундай тузумни ҳатто дин воситасида ҳам кўриб бўлмайди. Бунга фақат халқни жалб қилибгина эришиш мумкин.

Ҳанна Мина романлари ёзувчининг фикрлари билан безалган эстетик манзаралар билан тўлиб-тошган. Аммо бу романлар ҳар доим ҳам асарлардаги характерларнинг «хатти-ҳаракатлари»ни ёритиб бермайди. Ҳанна Мина Сурия адабиётида илк бор янги тарихий давр қаҳрамони образини унга хос барча камчиликлар, хато ва нуқсонлар, унинг ишқ-севгига чанқоқлик, майда, арзимас иштиёқлар, олижаноб шижоатлар, хатти-ҳаракатлар, беғараз ташаббускорлик ва худбинлик, кўрлик каби хусусиятлари билан ярата олган.

Ёзувчининг бадиӣ диди оғзаки халқ ҳикояси асосида тарбияланган. Унинг онгига халқга хос, мавжуд воқеликка хушёр қараш сингдирилган. У ўз қаҳрамонининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди ва у инсон дунёни қандай идрок этиши, нима ҳақида ўйлаши ва нимани ҳис қилишини кўрсатиб беради. Ҳанна Мина насри ва, умуман Сурия насри ҳақидаги мулоҳазаларимизни якунига етказиб, куйидагиларни таъкидлаш мумкин. Ҳанна Минасиз у яшаган давр адабиёти тарихининг бутун мураккабликларини тушуниб, англаб бўлмайди.

Фашизм ва Иккинчи Жаҳон уруши келтирган фожа, мустамлакачилик ва

буларнинг мамлакат, халқ тақдиридаги оқибатларини англаш – адабиётнинг асосий вазифаси бўлиб, Ҳанна Мина илк бошдан бу йўлни тутди. Аммо у ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий масалаларга мурожаат қилиб, шу билан бирга бу муаммолар билан боғлиқ мажбуриятларни тан олишни кескин равишда истамди.

Ўз-ўзидан «сиёсатдан юқори», «мафкура тепасига» кўтарилишга уриниш, албатта, янгилик эмас. Ҳанна Мина феноменининг ўзига хослиги шундаки, ёзувчи ўз ижодида сиёсатга содиқлигини ошқора эътироф этган ва бу унинг таржимаи ҳолини биладиганларни ажаблантирмайди.

Ҳанна Минанинг номи 1945 йилда матбуот саҳифаларида пайдо бўла бошлади. Аввалига «Бола сотилади» ҳикояси нашр этилди, 1954 йилда эса «Мовий чироқлар» қиссаси нашр этилди [11]. Ҳанна Минанинг ушбу илк қадамлари матбуотдан кўра кўпроқ маълумот учун қабул қилинган. Аммо «Елкан ва Бўрон» романининг муваффақияти Сурия адабиётида мисли кўрилмаган эди. Роман ўқувчиларнинг ҳаяжони (эмоциялари)га ва матбуотнинг шафқатсиз реакцияси (шов-шув)га сабаб бўлди. Ҳанна Минага замондош бўлган суриялик ёзувчилардан бирортаси араб танқидий адабиётида бу қадар диққатни ўзига тортганлиги маълум эмас. Бу орада ёзувчининг китоблари бутун араб дунёсида ўқилди ва кўплаб тилларга таржима қилинди.

Энди, шунча йиллардан сўнг, ўша йиллардаги араб адабиёти учун одатий бўлмаган моддий ҳаётнинг тўлиқлиги, материализмнинг аниқ образлар ва вазиятларга уйғунлиги ҳар доим иккинчи ва эҳтимол, ёзувчи ижодининг асосий мазмунини ташкил этган бўлиши мумкин. Суриялик адабий танқидчи Абдураззоқ Аид айнан шу ҳақида Ҳанна Минанинг қаҳрамонларини «рамзий қаҳрамонлар» дея ёзган эди.

Ҳанна Минанинг бадий олами ва умуман араб адабиёти тараққиётининг ушбу босқичи учун содда, симптоматиклигини англаш учун буни ҳар доим ёдда тутиш керак.

ХУЛОСА

Ҳанна Минанинг ижоди Сурия адабиётининг эркин даври тугагани ва реалистик санъат ривожига янги босқич бошланишини англатади. Адиб асарларининг ёрқин ижтимоий бўёғи, адолатсизликдан нафратланиш, қулга

айлантирилган «қуйи табақаларга» самимий хайрихоҳлик одамлар ҳаёти, уларнинг азоб-уқубатлари, озодлик, адолат, эрк-хуррият тўғрисидаги азалий орзуларини ёритиб беради.

Халқ орасидан етишиб чиққан кичкина одам ҳақида ҳикоя қилар экан, ёзувчи китобхонни жамиятнинг туб-тубига олиб киради, қашшоқ, ўғри ва ишсиз инсонлар ҳаётини очиб беради.

Унинг романлари Суриядаги ижтимоий муносабатларнинг кўп қиррали дунёсини тадқиқ этиш, феодал тузум пойдеворини қулатиш, халқнинг озодликка чиқиши, ижтимоий адолат учун кураш онги асосида ҳаракат қилувчи янги инсоннинг дунёга келишига бағишланган. Ҳанна Мина ва бошқа бир қатор ёзувчилар шундай гуруҳга тегишлики, уларнинг ижодида ҳаётнинг ва Сурия халқининг миллий озодлик ҳаракати авж олган йилларда тинчлик ва адолат учун курашнинг ҳаққоний манзараси реалистик тарзда чизиб берилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев А. Сурия романчилиги тараққиётининг хусусиятлари. – Т., 2020.
2. Аль-Ахмед Сулейман Ахмед. Исследования по современной арабской поэзии. Автореферат диссертации. – М., 1973. – С.25.
3. Кирпиченко В.Н. Современная египетская проза. 60-70-е годы (Современная Египетская проза). – М.: Наука, 1986. – с. 102.
4. Левин З.И. Развитие арабской общественной мысли. – М.: Наука, 1971.
5. Долина А.А. Очерки истории арабской литературы нового времени. (Египет, Сирия) – М. Наука, 1973.
6. Novelist Hanna Mina And His Life // <https://www.welovearabic.net/novelist-hanna-mina-and-his-life>
7. Мухаммад Камил ал-Хатиб, Алам Ҳанна Мина ар-Риван. – Бейрут: Дор ал-араб, 1979. – 37 б.
8. Ҳанна Аббуд Сурия романидаги бош қаҳрамон образи ҳисобланади. Ал-Маукиф ал-Адабий, Дамашк, февраль, 1982, №129. – 130 с.
9. Иброҳимов Н.И. Ўрта аср араб халқ адабиёти. – Т.: Фан, 1994. – 244 б.
10. Абу Хейф Абдалла. Современная арабская новелла и Запад (о становлении литературной традиции): Автореферат диссертации. М., Наука, 1991. – С. 20.
11. Book Blue Lamps Novel By Hanna Minh // <https://www.noor-book.com/en/book/review/14253>.
12. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
13. Бараджиева Л.М. Исторические романы Нагиба Махфуза. Автореферат диссертации. – Л., 1982. – С.22.